



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

● 2016-yil, 22-sentabr. Payshanba ● 113 (32.172)

ijtimoiy-siyosiy gazeta

● 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

● www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ФАРМОЙИШИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАХРИДА (БРАЗИЛИЯ) БЎЛИБ ЎТГАН XV ЎЗГИ ПАРАЛИМПИА ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИНИ ПУЛ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида Паралимпия ҳаракатини тарғиб этишдаги фаол иштироки, Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XV Ўзги Паралимпия ўйинларида муносиб иштироки, жасорат, матонат ва мардлик намунасини кўрсатиб, юртимизнинг

ҳалқаро майдондаги обрў-этибори ва нуфузини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 июлдаги ПҚ-2558-сон қарорига мувофиқ:

1. Қуйидаги спортчилар бирйўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирлансинлар:

ОЛТИН МЕДАЛЬ ОЛГАНИ УЧУН

ҳар бири 200 000 АҚШ доллари билан:

Намозов Шерзод Насимович — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;
Нигматов Уткиржон Исматилло ўғли — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Тулендибаев Адилжон Ришатович — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Норбеков Хусниддин Киличбоевич — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Свечников Александр Владимирович — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Каюмова Нозимахон Номонжоновна — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Мусабеков Фирдавсбек Улугбек ўғли — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Аммилова Фотимахон Равшанбек қизи — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

КУМУШ МЕДАЛЬ ОЛГАНИ УЧУН

ҳар бири 100 000 АҚШ доллари билан:

Алимова Хайтжон Абдулла қизи — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Бурхонова Сафия Каимовна — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Одилова Муслима Улугбек қизи — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Панков Кирилл Дмитриевич — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

БРОНЗА МЕДАЛИ ОЛГАНИ УЧУН

ҳар бири 75 000 АҚШ доллари билан:

Бобоев Вухрат Шоназарович — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Саидов Феруз Бешимович — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Шарипов Ширин Хомитович — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Салаева Севинч Одамбай қизи — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Рахимов Гулрух Илхамбековна — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Нурметова Турсунпаша Бахрамовна — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Салиев Дониёр Нурулла ўғли — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Бозоров Ахрор Ботирович — пауэрлифтинг бўйича терма жамоа аъзоси;

Турсунхўжаев Музаффар Шухратилло ўғли — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Хорлин Дмитрий Сергейевич — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Тошпулатова Шоҳсанамхон Дилшодбек қизи — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Ибрагимов Сервер Юсуфович — ўқ отиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Сахатов Миран Мирюнович — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Хамраев Фахриддин Фарходович — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Абдурашидов Мансур Самат ўғли — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси.

2. Белгилаб қўйилсинки, пул мукофотларини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан ҳорижий валютда — АҚШ долларида, банкда жисмоний шахслар учун белгиланган тартибда очиладиган депозит ҳисоб рақамларидан, солиқ ундирилмасдан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу мақсадлар учун зарур пул маблағлари ўз вақтида ажратилишини таъминласин, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда ажратилган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг буюртмалари бўйича белгиланган тартибда конвертация қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси спорт делегацияси таркибдаги спортчиларнинг 2016 йилдаги XXXI Ўзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинлари қатнашчилари Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Олимпиячиларни қўллаб-қувватлаш жағмамаси томонидан сотиб олинган «Малибу» маркази енгил автомобиллари билан иловлага мувофиқ мукофотлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, ушбу фармойиш асосида жисмоний шахсларга берилган енгил автомобиллар қўйматида жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи солинмайди.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

вазифасини бажарувчи

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2016 йил 19 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТИ



XV Паралимпия ўйинларида Ўзбекистоннинг 32 спортчиси дзюдо, сузиш, енгил атлетика, ўқ отиш ва пауэрлифтинг турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда муносиб иштирок этиб, 8 олтин, 6 кумуш ва 17 бронза, жами 31

медалга сазовор бўлди. Мазкур кўрсаткич билан Ўзбекистон делегацияси 160 дан ортиқ давлат орасида ўн олтинчи, Осиёда учинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

САЙЛОВ — 2016

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК — САЙЛОВНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «Uzreport» ахборот агентлиги ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш тўғрисида икки томонлама битимлар имзоланди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мамлакатимизда самарали сайлов тизими шаклланиши баробарида, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти юксалганини таъкидлади. Аввалги сайлов кампаниялари мобайнида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида жамоатчиликни ҳаёдор қилиш бўйича катта тажриба тўпланди. Зеро, сайловларнинг очикилик, ошқоралик ва транспарентлик каби демократик тамойилларга мувофиқ ҳолда ўтказилишида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти

сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнини кенг ёритади.

Тузилган битимлар сайлов тўғрисидаги миллий қонунчилик ҳужжатлари — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар ва сайлов жараёнини тартибга солидиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини яхши йўлга қўйишга қаратилган. Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва сайлов қонунчилиги соҳасидаги олим ва экспертлар билан суҳбатлар уюштириш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ижроси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари ҳақида жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилади. Сайлов кампанияси тўғрисида хорижий мамлакатлар давлат ва жамоат арбоблари,



эксперт ва таҳлилчилари, оммавий ахборот воситалари вакилларининг фикр-мулоҳазалари билан мамлакатимиз аҳолисини доимий равишда таништириб бориш борасидаги ишлар самарали ташкил этилади.

Имзоланган битимларни амалга ошириш доирасида барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолияти изчил ёритиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун уларнинг сайловолди дастурлари қоидаларини, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожланишининг муҳим масалаларига тааллуқли мустакил нуктаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, шу жумладан, тенг ҳажмда эфир вақти ва нашр майдони ажратиш йўли билан кенг ва тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор берилади.

ЎЗА

2016 йил 20 сентябрь кuni Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этди.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ҚИЛДИ

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссиясида комиссия аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида тадбир ташкил этилди. Унда Президент сайлови демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси, халқнинг хоҳиш-иродаси эркин ифодаланиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шакли ҳисобланиши таъкидланди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадир.

Бунда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Мазкур қонуннинг 24-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камида еттиш кун қолганда Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши лозим.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотномани берди.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш навбатига қараб марказий матбуотда эълон қилинади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙТИДА ЎҚИН!

Туман кенгаши сессиясида

партиямиз гурӯҳи тақлифлари қўллаб-қувватланди

www.xdp.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА

12.09.2016

Газетага бўлиб

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ: САВОЛ ВА ЖАВОБ

■ Президентликка номзодлар сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун бирдек ҳуқуққа эга.

ҚОНУН ҲАР ТОМОНЛАМА МУСТАҲКАМ

Мамлакатимиз, халқимиз катта сиёсий воқеа арафасида турибди. Шу йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юксак савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш учун қизғин тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Сайлов билан боғлиқ жараёнлар юртдошларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Тахририятимизга сайловчилардан келаётган саволлар ҳам буни тасдиқлаб турибди.

❓ **Шахло Бақоева, уй бекаси, Бухоро вилояти:**
— Ўзишшимга қараганда, сайловни ўтказишда округ сайлов комиссиялари фаолияти муҳим аҳамиятга эга экан. Уларнинг ваколатлари ҳақида тулиқроқ маълумот берсангиз?



Фарҳод УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Албатта, сайловни қонунчилик катъий риоя қилган ҳолда, юқори савияда ўтказишда округ сайлов комиссиялари фаолияти муҳим ўрин тутди.
Округ сайлов комиссиялари Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида 6-8 нафар аъзосидан иборат таркибда тузилади. Округ сайлов комиссиясининг шахсий таркиби Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади. Унинг вазифаларига тўхталганидан бўлса, сайлов участкаларини тузади, округ бўйича тартиб рақамини белгилайди ҳамда манзилни кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади. Участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳам айнан мазкур комиссия зиммасидадир.
Биламизки, қонунчилигимизда

Президентликка номзодлар сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун бирдек ҳуқуққа эга. Шундан келиб чиқиб, округ сайлов комиссияси номзодлар учун бу борада тенг шароитларни таъминлаши керак. Бундан ташқари, сиёсий партиялар вакилларининг, сайлов округи ҳудудиде жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини ешитиши мумкин.

Сайловчиларнинг рўйхати тузилиши, унинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб бориш ҳам округ сайлов комиссиясининг вазифасига кирди. Қолаверса, мазкур комиссия маблагларни участка сайлов комиссияларига тақсимлаш, сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлашини назорат қилиш ҳамда сайловни моддий-техник жиҳатдан таъминлашининг бошқа масалаларини кўриб чиқиш ишларини амалга оширади.

Агар участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва ҳатти-ҳаракатлари устидан қандайдир ариза ёки шикоят тушса, уларни кўриб чиқиш ва бу ҳақда қарор қабул қилиш ҳам айнан округ сайлов комиссияси ваколатига кирди. Комиссия округ бўйича сайлов якунларини чиқарида ва маълумотларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади.

❓ **Умид Баракаев, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси:**
— Мамлакатимизда сайлов очик-ошкора ўтказилиши ҳақида кўп эшитаман. Бунинг қандай қонуний асослари бор?



Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонунда бу ҳақда баён этилган. Унга кўра, Президент сайлови тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очик ва ошкора амалга оширади. Шунингдек, фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, комиссиянинг таркиби, уларнинг жойлашган жойи ва иш вақтидан воқиф этади, сайловчилар рўйхати, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар фаолияти билан таништирилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ яна қандай масалалар ҳақида батафсил маълумот олишни истайсиз? Саволларингизни тахририятимизга бемалол йўлланг. Уларга депутатлар, тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.

сайлов якунлари ҳақида хабардор қилади.

Айтиш жоизки, сайлов жараёнида ошқораликни таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Қонунчиликка асосан, улар сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганини, номзодлар дастури, сайловчилар фикрини ёритиб боради.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Президентликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловдан камида ўн беш кун олдин маълум қилиши керак.

Ана шуларнинг ҳаммаси сайловнинг очик-ошкора ўтишида, фуқароларнинг конституцияда белгилаб берилган устувор ҳуқуқлари таъминлашида долзарб аҳамият касб этади.

■ БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ:

янги қонун мазмун-моҳияти кенг тарғиб қилинмоқда

Ёшлик инсонга эзгу орзулар рўёбини, илм эгаллашга бўлган шижоатни, қувончларга тўла илиқ хотираларни, катта ҳаёт тажрибасини туҳфа этиши билан қадрли. Бу даврда ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар уларни мамлакатимиз тараққиёти йўлида бирлаштиради, илмий-ижодий фаолиятини янги босқичга олиб чиқишга, фаолликка, ташаббускорликка руҳлантиради.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, «оммавий маданият» ва ёт ғоялар таъсиридан асраш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Бу фикрлар пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташкил этган семинарда алоҳида таъкидланди. Яқинда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга бағишланган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари мазкур қонуннинг қабул қилинишидан кўзланган мақсад, бу борадаги тажрибалар ва долзарб вазифалар ҳусусида фикр юритишди.

— Мустақиллик йилларида баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларимизнинг ҳаётий ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши учун қўлай шароит яратилди, — дейди **халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Муқаддас Раҳматуллаева**. — Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ислохотлар самарасини бугун фарзандларимиз камолида, эришаётган ютуқларида кўриб турибмиз. Аммо шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбиясида олдимизга янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда. Мустақилликка эришати тўғрисидаги Қонун мазмун-моҳиятида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги Қонун қабул қилинган эди. Орадан шунча йил ўтиб, соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга эҳтиёж сезилди. Шунга мувофиқ, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги



қонун ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.
Унда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатлари янада мустаҳкамланди. Бу борада давлат сиёсатини амалга оширувчи органлар ва муассасалар вазифалари, ваколатлари, шунингдек, уларнинг бу соҳадаги жавобгарлиги аниқ белгилаб берилди. Бу, биринчи навбатда, йигит-қизларимизнинг олижаноб интилишларини рўёбга чиқариш, ҳаётий-ижодий ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ривожланишида иштирок этишида барча ёрдамни кўрсатиш билан боғлиқдир.
Ёшларимизнинг салоҳия-

тини ҳар томонлама рўёбга чиқариш учун уларнинг илм-фан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик каби соҳалардаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ишларини янада кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистонда ёшлар сиёсатини амалга оширишда давлат ва жамоат тузилмаларининг ижтимоий шериклигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зарур.

— Республикаимизда ёшларнинг манфаатларини кўзловчи қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган, — дейди **«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати**

Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев. — «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида нazorатсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Қувонарлиси, бу борадаги амалий, айтиш мумкинки, тарихий ишлар бугун ҳам изчиллик билан давом этмоқда. Қуни кеча қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун ёшларнинг билим олиши, ҳаётда

муносиб ўрин эгаллаши учун янада кенг йўл очди.

Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда жамоат ташкилотлари, энг аввало, ёшлар ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда ўрнини кучайтириш масалалари алоҳида эътиборга олинган. Давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш, баркамол авлодни тарбиялашга доир тадбирларни уюштириш ҳамда ўтказишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг кафолатлари белгилаб берилди.

Демак, олдимизда масъулиятли вазифалар турибди. Бугун биз яшаётган давр ўз шиддати билан бошқа даврлардан ажралиб туради. Бу, албатта, дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ. Мана шундай даврда ёшларни ҳар қандай маънавий таҳдид ва таъовузлардан асраш, ҳимоя қилиш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш долзарб аҳамиятга эга. Ўз навбатида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик ёш авлод зиммасига ҳам катта масъулият юклайди, юксак мақсадларга эришишда янада фаоллик кўрсатишни талаб этади.

Гулруҳ ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎзХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Сиёсий партия ўз электорати манфаатини самарали ҳимоя этиши учун, аввало, уларни ўйлантираётган масалаларни чуқур билиши талаб этилади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналари бу борада тажрибадан ўтган механизм ҳисобланади. Жойлардаги муаммолар ўрганилиб, партиянинг гуруҳлари, ҳамкор ташкилотлар ва давлат идоралари орқали ҳал этилаётгани қабулхоналарга ишончни оширяпти.

МУРОЖААТЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА

депутатлар ва партия
ташкилотлари ҳамкорлиги
муҳим аҳамиятга эга

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг август ойида ҳудудий партия кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига 850 га яқин мурожаат бўлган. Уларнинг асосий қисми бандлик масаласи билан боғлиқ.

— Айтиш мумкинки, Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти электорат билан ишларнинг самарали воситаларидан бирига айланган, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Дурбек Худойкулов**. — Бу орқали нафақат жойларда юзага келаётган муаммолар бартараф этиляпти, балки сайловчилар, умуман, кенг жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа ўрнатилмоқда.

Жорий йилнинг август ойида ҳудудий партия кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига 850 га яқин мурожаат бўлган.

Ўтган ойда қабулхоналарга тушган мурожаатларнинг 73 фоиздан ортиги ижобий ечим топди. Бунда партия фаоллари, депутатлар ташаббус кўрсатди. Айрим масалалар бўйича депутатлик назорати ўрнатилди, ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди.

Қабулхоналарга моддий ёрдам, коммунал хизмат сифатини яхшилаш, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа ижтимоий масалаларда ҳам кўплаб мурожаатлар бўлган. Уларнинг барчаси ўз йўналишига қараб, масъулларга юклатилгани, ижросининг устидан назорат ўрнатилгани натижасида муаммолар қонуний ечим топяпти.

Тан олиш керакки, Жамоатчилик қабулхоналари ишида камчиликлар ҳам учраб турибди. Айрим шаҳар ва туман кенгашларида қабулхона фаолияти талаб даражасида олиб борилмапти. Кўнча қабулхоналарни ташкил этишда эътиборсизликка йўл қўйилмоқда.

Бундан ташқари, баъзи қабулхоналарга келиб тушаётган мурожаатларни ҳал этишга жиддий ёндашилмапти. Хусусан, Хонобод, Марғилон шаҳарлари, Олтиариқ туман партия кенгашлари қошидаги қабулхоналар бу масалага алоҳида эътибор қаратиши лозим.

— Мурожаатларни атрофлича ўрганиш, уларга ечим топишда депутатлар фаоллиги муҳим ўрин тутди, — дейди **халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Дилбархон Мамажонов**. — Одамларнинг партиямизга бўлган ишончи ортиб бормоқда. 2015 йилнинг август ойида 10 га яқин мурожаат тушган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 160 дан ошди. Коммунал хизмат сифатини яхшилаш борасида, айниқса, кўп мурожаат бўлмоқда.

Мисол учун, Ҳожирахон Жуманованинг тоза ичимлик суви таъминоти тўғрисидаги мурожаати ўрганилган. Депутатлар ташаббуси билан мазкур масалани ҳал этиш чоралари кўрилган. Мухаббат Назарова эса газ таъминоти масаласида мурожаат қилган. Туман Кенгаши депутатлари уни ижобий ҳал этишга қўмақлашган.

Мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқишда депутатлар ва партия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш зарур.

Бунга кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Асосийси, мурожаатларнинг сониде эмас, балки одамларнинг оғри енгил бўлаётгани, партия ташкилотлари, депутатларга ишонч билдирувчилар сафи кенгайиб бораётганида, деб ўйлаймиз.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИСТИҚЛОЛ
ИМКОНИЯТЛАРИ

■ Қазимша ишларида менга бахт кулиб боққан — бўйи 30 сантиметрча келадиган кардерлар маъбудасини топиб олганман. Уни яшириб, бир амаллаб уйга олиб келганман.



АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҳафталиги бошланди



Ўзбекистон Республикаси ҳукумат порталида маълум қилинишича, ҳафталик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилмоқда.

Аввал ахборот-коммуникация технологиялари саммити доирасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ўзбекистонлик ва хорижийлик мутахассислар фикр алмашди.

Шунингдек, Тошкент ва Наманган шаҳарларида аънавий «СТЕХро — 2016» ахборот-коммуникация технологиялари миллий кўргазмаси бўлиб ўтади.

Ёшлар ижод саройида «Intellect2All» танловининг мамлакат босқичи якунига етказилди.

Мазкур ҳафталик давомида, ахборот хавфсизлиги бўйича Ўзбекистонда илк марта «Cyber Security Challenge Uzbekistan» мусобақаси ҳам бўлиб ўтади. Саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган 97 нафар иштирокчи стеганография, криптография, веб-блоглаш ва дастурий таъминот билан боғлиқ мураккаб техник вазифаларни бажаради.

Тошкент ахборот технологиялари университетида Huawei компанияси лабораториясининг очилиш маросими ўтказилди.

«ҲЕЧ КИМ МЕХР-МУРУВВАТ ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН!»

Пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий боғида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон ногиронлар жамияти ҳамкорлигида «Ҳеч ким меҳр-мурувват ва эътибордан четда қолмасин!» шiori остида жисмоний имонияти чекланган инсонлар ўртасида спорт мусобақаси ўтказилди.

Уда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди Мажлиси қўмитаси аъзолари, вазирликлар, жамоат ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари, жисмоний имонияти чекланган инсонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир доирасида спортнинг 6 йўналиши бўйича мусобақалар ташкил этилди, ногиронлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси, ногирон хунараманд усталар томонидан тайёрланган маҳсулотлар намойиши бўлиб ўтди ва голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаларининг бадий чиқишлари ййигиланларга ҳушайфият бахш этди.

ҚАДИМИЙ ҚАЛЪАЛАР СИРИ

Мана, йигирма бир йилдирки, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги қадимий қалъаларда Австралиянинг Сидней университети мутахассислари билан ҳамкорликда археологик қазимша ишлари олиб борилмоқда. Унда бево-сита иштирок этаётган ЎзРФА Қорақалпоқ бўлими археология бўлими мудири, Ўзбекистон Қажрамони Қайрат Хўжаниёзов бизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

— Бу қўҳна замин ўз бағрида тарихи бир неча минг йилликларга бориб тақаладиган қанчадан-қанча сирларни яшириб ётибди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги қадимий қалъа ва обидаларни тадқиқ қилиш ишлари ўтган асрнинг 37-йилларида бошланган. Археологик экспедицияга этнограф Сергей Толстов раҳбарлик қилган. Қазимша ишлари давомида топишган эраиздан олдинги ва милоднинг бошларига оид қадимги Хоразм ёзувлари, турли топилмаларнинг катта қисми бугунги кунда Эрмитажда сақланипти.

Ўтган йили австралиялик мутахассислар ҳамкорлигида милоддан олдинги даврга оид зардуштийлар эҳромида қазимша ишлари олиб борганимизда, унинг деворларига чизилган рангли суратлар топилиди. Ҳозир бу суратлар Франция, Австралия ва Ўзбекистонлик мутахассислар томонидан реставрация қилинмоқда. Энг қизиғи шундаки, бу қадимги Хоразм ҳукмдорларининг суратлари бўлиб, унда хоразмий маликалар қиёфаси акс этган.


Замин бағрида яшириниб ётган, тарихи уч минг йилликларга бориб тақаллаган бундай жавоҳирлар бизга узоқ ўтмишимизни тадқиқ этишга, ўзлигимизни англашга ёрдам беради.

1967 йилда Нукус давлат педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга кирдим. Ўзбекистон Фанлар Академияси археология илмий-текшириш институти Қорақалпоғистон бўлими археологлари Вадим Ягодин бошчилигида Тахтақўпир туманидаги Қўргонча қалъада қазимша ишлари олиб борилган. Унда мен ҳам иштирок этганман.

Бу ерда ярим ўтроқ, ярим кўчманчи бўлган кардерлар қабиласи яшаган. Қалъадан милоднинг VII-XI асрларига оид турли ашёлар топилиди. Кардерлар қабиласи ҳақидаги маълумотлар тарихчи сайёх Ибн Баттута асарларида ҳам тилга олинган. Чунки ўз даврида гуллаб-яшнаган бу қалъага араб истилочиларининг ҳам қадами етган.

Қазимша ишларида менга бахт кулиб боққан — бўйи 30 сантиметрча келадиган кардерлар маъбудасини топиб олганман. Уни яшириб, бир амаллаб уйга олиб келганман. Ҳозир бу маъбуда Ўзбекистон Фанлар Академияси археология илмий-текшириш институти Қорақалпоғистон бўлими қошида ташкил этилган археология музейини безаб турибди...

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 1995 йилдан буюн австралиялик археологлар билан ҳамкорликда ўндан зиёд тарихий жойлар тадқиқ



Аёлларни эъзозлаш, жамиятимизнинг илғор иштирокчиси, авлодлар давомчиси сифатида уларни ҳурмат қилиш, қадрлаш бизнинг қон-қонимизда бор.

қилинди. Эллиққалъа туманидаги Тупроққалъа ҳудудидан эраизнинг II-III асрларига оид лойдан ишланган турли ҳайкалчалар топилиди. Мутахассислар баҳосига кўра, бу ҳайкалчалар пишиқ ва бежиримлиги жиҳатидан тош ва бронзадан ясалган ҳайкалчалардан кам эмас.

Туртқўл туманидаги Қўйқирқилган қалъадан инсонларнинг суяги солинган қўллаб қолганлар, милоддан олдинги IV-III асрга оид юлдуз туркумларини текширилган астрология асбоблари қолдиқлари топилиди. Уларнинг номи Беруний

асарларида ҳам учрайди. Беруний тумани ҳудудидаги Тошхирмон воҳсида ўнга яқин археологик объектлар очилди. Ҳудуди 50 гектарга тенг бўлган Ақчахон қалъаси милоддан олдинги III-II асрларда хоразмийлар давлатининг энг биринчи пойтахти бўлган, дея тахмин қилинмоқда. Изланишлар натижасида топишган барча ашёлар археология музейидан жой олди. Қазимша ишлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар Австралия, Франция давлатларининг нуфузли журналларида чоп этилди...

Мен учун оила даврасида бўлишнинг ўзи катта байрам. Чунки йилнинг ярмидан кўпрогини экспедицияда ўтказаман. Хонадонимиз фаршисига, турмуш ўртоғим, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи Умидахон Шарипова билан икки ўғил, бир қизни тарбияладик. Улар олий маълумотли бўлишди. Ширинтойи-на невараларим бор, уларни жуда яхши кўраман. Оила бахти, шукроналик шу-да!

Мен 40 йилдан ошиқ вақт мобайнида қадимги Хоразм давлатчилиги ҳудудларида олиб борган

археологик тадқиқотларим натижасида бир нарсга амин бўлдим: милоддан олдин ҳам, милоддан кейинги даврларда ҳам жамиятда аёлнинг роли бекиёс бўлган.

Буни милоддан олдинги II-I асрларда бунёд этилган Ақчахон қалъаси деворларидан топишган, одам бўйи баробарида чизилган хотин-қизларнинг рангли суратлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Демак, аёлларни эъзозлаш, жамиятимизнинг илғор иштирокчиси, авлодлар давомчиси сифатида уларни ҳурмат қилиш, қадрлаш бизнинг қон-қонимизда бор.

Шу кунларда илмий экспедициямиз аъзолари томонидан тарихий обидаларда олиб борилган кўп йиллик изланишлар маҳсули бўлган турли топилма ва ашёлар асосида китоб тайёрланаяпти. Ўзро ҳамкорликда яратилаётган бу китоб немис ва инглиз тилларида ҳам чоп этилиши мўлжалланмоқда. Унда кўп йиллик машаққатли меҳнат натижасида кашф этилган қадимий қалъалар сирини Ватанимиз тарихининг яна бир зарварига сифатида дунёга намойиш бўлади.

Нуруллоҳ ДОСТОН
ёзиб олди.

■ ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ

ИНСОН МАНФААТИ ҲИМОЯСИ

Мустақиллик жамиятининг тубдан ўзгаришига, айниқса, иқтисодий масалаларни тўғри ҳал этишга кенг имкониятлар яратди. Аввалги тоталитар тузумдаги «фақат давлатники, халқнинг эса қорни тўйса бўлди», каби тушунчалар ўрнига аввало халқ, кейин давлат шиори асосий тамойил қилиб олинганлиги иқтисодий масалаларни оқилона ҳал этишга замин яратди.

Бу ўзгаришлар, ислохотларнинг замирида аввалги тузумда бўлган, жаҳон андозларига мутлақо тўғри келмайдиган қонунлардан воз кечиб, демократик асосларга мос халқаро нормаларни инобатга олган ҳаётий қонунларни яратиш зарурати турар эди. Негаки, шўролар тузumi қонунлари жамиятининг иқтисодий ривожланишига мутлақо йўл бермасди. Бу бутун давлатнинг иқтисодий инқирозига сабаб бўлди. Шўролар даврида фақат давлат манфаатлари устун қўйилган. Кишиларнинг шахсий иқтисодий масалаларни мустақил ҳал этишлари жиноят сифатида баҳоланган. Мол-мулклар мусодара қилинган.

Бутун давлат миқёсида мажбурий колхозлаштириш йўлга қўйилиши асосида шахсий мулк ҳуқуқлари кўпол тарзда бузилган, одамларнинг томорқа ерлари тортиб олинган. Натижада улар қашшоқликда кун кечирган.

Мулк эгаси давлат, деб белгиланиши жиддий оқибатларни келтириб чиқарган. Жиноят кодексига давлат ва жамоат мулкига қарши жиноятлар учун алоҳида боб ажратилган. Жумладан, давлат ва жамоат мулкига қаратилган таъовуз оғир жиноят, деб баҳоланиб узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиш ва ҳатто ўлим жазолари назарда тутилган. Яна бир гап. Давлат мулкнинг эгаси бўлмагани сабабли бу мулкларни ташмачилик қилиш, ўзлаштириб олиш каби қилмишлар одатий ҳолга айланган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шарофати билан ўша вақтда амалда бўлган 1959 йилги Жиноят кодексига қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилган эди. Фикримизни исботлаш учун айрим мисолларни келтириб ўтасак...

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республика-

си Қонунига мувофиқ Жиноят кодексидан 174-модда (хусусий тадбиркорлик ва тижоратда во-ситачилиқ қилиш) ва 177-модда (ноқонуний савдо фаолияти билан шугулланиш) чиқарилди. Ушбу жиноятлар учун совет қонунчилигида фуқаронинг мол-мулки мусодара қилиниб, 10 йилгача ёки 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари назарда тутилган эди.

1993 йил 29 декабрда қабул қилинган Қонунга мувофиқ, Жиноят кодексидан мол-мулки мусодара қилиниб, ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган 175-модда (тайов-чилик) ҳам чиқарилди.

Қонунчиликдаги ана шу бошқа ўзгаришлар бозор иқтисодиётининг нормал ривожланишига тўсиқ бўлган муаммоларни бартараф этди. Мулкнинг турли шакллари, эркин иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат асосланган бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган қонунчилик базаси яратилди.

Киритилган янгиларга қарамадан 1959 йилги Жиноят кодексининг асосий қоидалари жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий

эҳтиёжларига, шунингдек, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига ва Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган халқаро шартномалар талабига жавоб бера олмас эди. Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикасининг моҳиятан янги Жиноят кодекси қабул қилиниши зарурлигини кўрсатди.

Янги Жиноят кодекси 1959 йилдаги Жиноят кодексидан тубдан фарқ қилади. Агар 1959 йилги Жиноят кодексида биринчи даражада вазифа сифатида сиёсий ва иқтисодий тузумни, социалистик мулкни муҳофаза қилиш қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар, аввало инсон манфаати ҳимоясига қаратилди. Унинг эмин-эркин меҳнат қилиши ва ҳаёт кечирishi замин яратди.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида замон талабидан келиб чиқиб, қонунчилигимизга жуда кўп ўзгаришлар киритилди. Яъни бозор иқтисодиёти мезонлари асосида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар, аввало инсон манфаати ҳимоясига қаратилди. Унинг эмин-эркин меҳнат қилиши ва ҳаёт кечирishi замин яратди.

Баҳром АХРОРОВ,
юридик фанлари доктори,
профессор.



2020 ЙИЛДА

Францияда пластик идишлардан фойдаланиш тақиқланади



Францияда қабул қилинган янги қонунга кўра, 2020 йилдан эътиборан мамлакатда бир марталик пластик идишларни сотиш тақиқланади. Унга қадар ишлаб чиқарувчилар мавжуд пластик маҳсулотларни тўлиқ утилизациядан ўтказиши лозим. Шундан сўнг бу турдаги маҳсулотларни фақат биологик парчаланадиган материаллардан тайёрлаш керак бўлади, деб ҳабар беради Интерфакс ахборот агентлиги.

Бундан ташқари, 2017 йилдан Франция дўконларида харидорларга фақат қоғозли пакетлар ва матоли сумкалар бериладиган бўлди.


Ушбу қонун биринчи навбатда экологияни ҳимоялаш, шунингдек, пластик чиқиндиларни қайта ишлашга кетадиган электр сарфини қисқартириш мақсадида қабул қилинди.

«Pack2Go Europe» Европа пакет ишлаб чиқарувчилари уюшмаси бу ташаббусга қарши чиқмоқда. Унинг фикрича, тақиқ Европа Иттифоқи ҳудуди ҳуқуқий меъёрларига зид келади.

КОСТА-РИКАДА УЙФОНГАН ВУЛҚОН

пойтахтдаги аэропорт ёпилишига сабаб бўлди

Коста-Рикада авиация бошқармаси сешанба кuni пойтахт шаҳар Сан-Хоседаги «Хуан Сантамария» аэропортида рейсларни қабул қилиш тўхтатилгани ҳақида маълум қилди. Бунга Турриальба вулкани уйғонгани сабаб бўлган, деб ҳабар берди РИА Новости ахборот агентлиги.



Вулқондан кул отила бошлади, самолётлар бошқа йўналишга қўчирилиб, Коста-Рика шимолига ва қўшни давлат Сальвадорга қўндирилган.

«Хуан Сантамария» аэропорти пойтахт Турриальба вулканидан 36 км масофада жойлашган.

Вулқоншунослар маълумотларига кўра, вулқон туфайли отилган кул 4 минг метр баландликкача қўтарилмоқда.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари жамоаси журналист Неймат Мирзақуловга турмуш ўртоғи Мукаррам МИРЗАКУЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

РИО — 2016

■ Биз Риога етиб борганимизда Юртбошимиз Ислон Каримов вафот этганини эшитдик. Хаммамиз чуқур қайғуга ботдик. Кейин биз спортчилар ўз-ўзимизга сўз бердик: биз у кишининг руҳини шод этамиз, қилган меҳнатларининг самарасини бутун дунёга кўрсатамиз...

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТИ



«Биз ғалаба билан, ёруғ юз билан қайтдик!»



Олимпия ўйинларининг олтин, кумуш ва бронза медаллари соҳиби Фотима Омилова.



Улар ҳар қанча қувониги, фахрлиниги ҳақли.



Уларга гуллар тутқазилди, олқишлар ёғилди...

...2013 йилда пойтахтимизда Осиё Паралимпия кўмитасининг конференцияси бўлиб ўтганди. Унда мазкур кўмитанинг ўша пайтдаги раиси Дато Зайнал Абу Зарин қуйидаги сўзларни айтганди:

— Ўзбекистонда Паралимпия ҳаракати ривожига берилаётган эътиборни биз бошқа давлатларга ибрат сифатида кўрсатаймиз. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ilk бора ташкиллаштирилаётган конференцияни ўтказиш учун Тошкент бежиз танлангани йўқ. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Бунинг учун, аввало, Президент Ислон Каримовга, ҳукуматга, Паралимпия спорт турларини ривожлантириш борасида жонқуярлик қилаётган мутасадди ходимларга миннатдорлик билдираман. Эндиликда кўмитамиз қитъада бешта минтақага бўлинган ҳолда фаолият кўрсатади. Ҳар бир минтақанинг етакчиси тайинланади. Шубҳасиз, Марказий Осиё минтақасининг етакчиси Ўзбекистон бўлади...

...Тошкент халқаро аэропортида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XV Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этган ўзбекистонлик спортчилар катта тантаналар билан қутиб олинди.

Шу пайтгача мамлакатимиз спортчилари Паралимпия ўйинларида биргина кумуш медални қўлга киритган эди. Лондон шаҳри мезбонлик қилган мусобақаларда қатнашган дзюдочимиз Шариф Халилов сазовор бўлган ўша медал Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи, Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида олтинчи бўлганди.

2016 йил ўзбек спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилишига шубҳа йўқ. Дастлаб олимпиячиларимиз мамлакатимиз спорти тарихидаги энг юксак натижани қайд этган бўлса, паралимпиячиларимиз ҳам зафарли юришни муносиб давом эттирди.

XV Паралимпия ўйинларида Ўзбекистоннинг 32 спортчиси дзюдо, сузиш, енгил атлетика, ўқ отиш ва пауэрлифтинг турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда муносиб иштирок этиб, 8 олтин, 6 кумуш ва 17 бронза, жами 31 медалга сазовор бўлди. Мазкур кўрсаткич билан Ўзбекистон делегацияси 160 дан ортиқ давлат орасида ўн олтинчи, Осиё мамлакатлари ичида учинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади. XV Паралимпия ўйинларида 160 дан зиёд давлатдан 83 давлат спортчиларига медалларни қўлга кирита олди, 63 давлат вакилларигагина олтин медал насиб этди.

...Тошкент халқаро аэропорти ҳаяжон ва қувонч оғушида. Юзлаб ҳамюртларимиз байроқлар, турли ёзувлар битилган баннерларни кўтарганча спортчиларни кутмоқда... Ана, қаҳрамонлар карнай-сурнай садолари остида чиқиб келмоқда.

— XV Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчилари тарихий ғалабаларни қўлга киритди, — дейди

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Адҳам Икромов. — Спортчиларимиз салкам юз фоизлик натижани қайд этишди. Бунақа ютуқ билан бошқа бирор бир давлат фахрлана олмас керак. Биз ҳаммамиз оммавий ахборот воситалари орқали спортчиларимизнинг чиқишларини, ютуқларини мунтазам кузатиб бордик. Ўзбекистон спортчилари медал олмаган бирор кун бўлмади. Бунинг учун сиз спортчиларга минг раҳмат. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистонда спортнинг барча турларини ҳар томонлама ривожлантириш учун бор куч-ғайратини сарфлаган эди. Бугун у кишининг эзгу ниятлари сизларнинг тимсолингизда амалга ошмоқда. Сизларни тарбиялаган ота-онангизга катта раҳмат.

— Ўғлим Паралимпия ўйинлари чемпиони бўлди, — дейди Шерзод Назошовнинг онаси Мехринос Адизова. — Бу мен учун жуда катта бахт, катта шараф. Мазкур ютуқлар аввало мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг спортга берган юксак эътибори натижасида қўлга киритилди. Ўғлим чемпион бўлгандан кейин жуда кўп табриклар бўлди. Ришод Собировнинг ҳар гал кўрганамда ҳавас қилардим. Менинг ўғлим ҳам унга ўхшаб медаллар билан юртимизга қайтса дердим. Шукр, орзуларим ушалди. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг фармойишига асосан Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари, иштирокчилари юксак мукофотларга муносиб кўрилди. Бундан биз барча ота-оналар миннатдормиз.

— XV Паралимпия ўйинлари Ўзбекистонимиз учун улугвор ғалабаларга бой бўлди, — дейди Фотима Омилованинг отаси Равшан Омилов. — Бу ютуқлар замирида устоз-мураббийларнинг ҳам машаққатли меҳнати ётибди. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг спортга берган юксак эътибори бугун ўз медалларини бермоқда. Мен

қизимнинг ҳар бир чиқишини ҳам ота, ҳам мураббий сифатида кузатдим. У дунёнинг ривожланган давлатларидан келган спортчилар орасида чемпион бўла олди. Унга бир йўла Паралимпия ўйинларининг олтин, кумуш ва бронза медаллари берилди. Мен қизим билан фахрланаман. Спортчиларимиз эришган ютуқлар билан халқимизни табриклайман.

— XV Паралимпия ўйинларидаги ҳар бир баҳсга биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг хотирасини ёд этган ҳолда чиқдим ва якунда олтин медални қўлга киритдим, — дейди Паралимпия ўйинлари олтин медал соҳиби Шерзод Назошов. — Спортда ютуққа эришиш учун моддий-техник базанинг мустаҳкам бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Биз спортчиларга бу борада энг юксак шароитлар яратиб берилганини алоҳида эътироф этмоқчиман. Шундай юртнинг фарзанди эканимдан ғурурланаман.

— Мен бу ғалабамни халқимизга бағишлайман, — дейди Паралимпия ўйинлари кумуш медал соҳиби Музаффар Турсунхўжаев. — Биздан ҳамхўрлигини аямган раҳбарларимизга, ҳар бир утуғимиздан қувонган халқимизга раҳмат айтмоқчиман.

— Мен ҳам шу ерга йиғилган ота-оналар каби ҳаяжондаман, — дейди Турсунхўжаевнинг отаси Рўзигул Қўчқорова. — Ўтган икки ҳафта мобайнида фарзандларимиз биз учун унутилмас дақиқаларни ҳаёда этдилар. Ватанимиз байроғини юксакларга кўтариб, 31 медал билан юртимизга қайтиб келишди. Паралимпиячиларимизнинг ҳар бир чиқишини катта қизиқиш билан кузатиб бордим, — дейди Тошкент кимё технологиялари институти талабаси Ҳумоюн Ўқтамов. — Уларнинг жасоратига нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё тан берди. Бугун Ватанимиз қаҳрамонларини қутиб олиш учун аэропортга келдим. Уларнинг матонати ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун ибрат намунаси бўлди, деб ўйлайман. Биз паралимпиячиларимиз билан фахрланамиз. Ишо-

намизки, улар келажакда бундан ҳам юксак марраларни забт этадилар.

XXXI ёзги Олимпия ўйинларида ҳамюртларимиз Руслан Нурудинов оғир атлетика баҳсларида олимпиада рекордини ўрнатган эди. Паралимпиячиларимиз ҳам бу ишни муносиб давом эттирган ҳолда, бир қатор рекордларни янгиласилар. Мазкур мусобақада спортчиларимиз томонидан 7 Паралимпия ўйинлари, 6 жаҳон ва 12 Осиё рекорди ўрнатилди.

— Биз узоқ Бразилияда халқимизнинг меҳрини, бизни қўллаб-қувватлаётганини ҳис қилиб турдик, — дейди Паралимпия ўйинлари олтин медал соҳиби Фотима Омилова. — 2018 йилда Жакартада Паросиё ўйинлари, 2020 йилда Токиода Паралимпия ўйинлари ўтказилади. Уларда ҳам муносиб қатнашишни ният қилганман.

— Мен Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон байроғини кўтариб чиқишдек шарафга муносиб кўрилдим, — дейди Паралимпия ўйинлари олтин медал соҳиби Хусниддин Норбеков. — Бу менга ўзига хос масъулият юклатди. Паралимпия ўйинлари ғолиби бўлганимдан бир қувонган бўлсам, бу натижага Паралимпия рекордини янгиллаган ҳолда эришганимдан икки ҳисса қувондим. Биринчи бўлиб оила аъзоларим ва мураббийимга кўнграқ қилдим. Улар қувончдан йиғлаб юборишди. Келажакда бундан ҳам юқори натижаларга эришишга бор кучим билан ҳаракат қиламан.

— Ҳаётда кўп кўрганмиз, тўрт мучаси соғ бўлган инсонлар спорт билан шугулланишга қўнғ қилмайди, — дейди XXXI ёзги Олимпия ўйинлари чемпиони Руслан Нурудинов. — Паралимпиячиларимиз ҳақиқий жасорат намунасини кўрсатди. Улар биздан ҳам юқори натижани қайд этишди. Улар замонамиз қаҳрамонларидир...

Аэропортдан қайтаётганда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Баҳром Обиджонов билан қўришиб қолдик. У киши ҳам паралимпиячиларимиз ҳақида фикрларини билдирди:

— Биласизми, ҳаёт қадрини, яшашдан мақсадни айнан паралимпиячиларимиздан ўрганишимиз керак. Уларнинг жасорати, матонати, сабр-бардоши олдида ҳаммамиз бош эгиб таъзим қилишимиз зарур. Мана шу иродали инсонлар ҳақида очерклар, китоблар ёзиш лозим. Ҳар бир меҳнат жамоасида улар билан учрашувлар ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Уларга мукофотлар берилиши муҳим воқеалардан биридир. Бизнинг мамлакатда инсон қадри улуглигини шундан ҳам билса бўлади.

Тантанали маросимда Тошкент шаҳар ҳокими Раҳмонбек Усмонов иштирок этди.

Темур АбЗам,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Ватан байроғини юксакларга кўтарганлар.



Ғалаба қувончи.



Фарзанд ютуғи ва камолтини кўриш ҳар бир ота-она учун олий бахт.



Муслимахон Одиловани онаси бағрига босмоқда.



XXXI ёзги Олимпия ўйинлари ғолиби Ҳасанбой Дўсматов ва XV Паралимпия ўйинлари ғолиби Шерзод Назошов эсдаликка суратга тушишмоқда.



Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорларини ота-оналар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар ҳамда талаба ёшлар қувонч билан, тантанали равишда қутиб олишди.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol

XODJAYEV

Musliddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonaga menzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959

8786

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21:00

Topshirilgan vaqti — 01:40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ozod RAJABOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

4772030763006

1 2 3 5 6